# Пудрат шартномаси № 269

**Пойтуг шахри**

**19 декабр 2022 йил**

Кейинги ўринларда "**Буюртмачи**" деб юритиладиган "**Избоскан туман 6-сон мусика ва санаът мактаби** " директори **А.Курбонова** бир томондан ва кейинги ўринларда "**Пудратчи**" деб юритиладиган **Обод юрт бунёдкори МЧЖ** номидан Низом асосида дирекори **Ш.Шодмонов** иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## I. Шартнома мавзуси

1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофик шартнома бўйича "**Избосккан туман № 6-сон мусика ва санаът мактаби**" объектида курилиш ва таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## II. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофик шартнома бўйича "**Избоскан туман 6-сон мусика ва санаът мактаби** " объектида курилиш ва таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аникланган ва танлов комиссиясининг қарори **(2022 йил лот раками "2211001207269" электрон баённомаси)** билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **ККС** билан **367 000 000.00 (Уч олтмиш етти миллион)** сўмни ташкил этади.

## Ш. Пудратчининг мажбуриятлари.

4. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (курилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

## IV. Буюртмачининг мажбуриятлари

5. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## V. Ишларни бажариш муддати

6. Пудрат шартномаси амал қилиш муддати **2022 йил 31 декабрь.**

Сканировано с CamScanner

7. Пудратчи мазкур шартномага мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

8. Танлов натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 28 куни ташкил этади.

## VI. Тўловлар ва хисоб-китоблар

9. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс ўтказади, бу 110 100 000.00 (Бир юз ун миллион бир юз мингг) сўмни ташкил этади.

10. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

11. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## VII. Ишларни бажариш

12. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

13. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

14. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

15. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

16. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

17. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

18. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

19. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

20. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

Сканировано с CamScanner

21. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

22. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдикловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

23. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

24. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

25. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

26. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

## VIII. Ишларини қўриқлаш

27. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул килиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

28. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## IX. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

29. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

30. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

31. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## X. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

32. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

Сканировано с CamScanner

## XI. Кафолатлар

33. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- лойиҳа ҳужжатлари хамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишини;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

34. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

35. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

36. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XII. Шартномани бекор қилиш

37. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,

- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

38. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

39. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

Сканировано с CamScanner

40. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

41. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

42. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XII. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

43. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

44. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пеннянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этилмайди.

45. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

46. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида Пудратчидан жарима ундириш ҳуқуқига эга.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.ё

48. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

## XIII. Низоларни ҳал этиш тартиби

49. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## XIV. Алоҳида шартлар

50. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

51. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Сканировано с CamScanner

52. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

53. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

54. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

56. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади.

57. Мазкур шартнома туман ғазначилик булинмасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг ҳуқуқий кучга киради.

### XV. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

**"Буюртмачи "**

**Номи:"Избоскан туман 6-сон мусика ва санаът мактаби"**
**Манзил: Пойтуг шахар Накшбанд куча**
**Ш/Х 401722860032147096600056001**
**ИНН : 203163541 МФО ;63000**
**Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги**
**Банк:МБ ББ ХККМ Тошкент**
**Ҳ/Р 23402000300100001010**
**МФО: 00014 ИНН : 201122919**
**Индекс:17073**

**Мудир: ____________А.Курбонов**

**Хукукшунос ______________________**

**"Пудратчи"**

**Номи:"Обод юрт бунёдкори" МЧЖ**
**Манзил: Избоскан т,Гузар МФЙ Коннот кучаси 48 уй**
**Банк номи:Ипотека банк Истикбол ф**
**х/р: 20208000200862928001**
**СТИР:305443061 МФО:92400**
**Тел: +998 91 607 4581**
**Индекс:17071**

**Рахбар ____________Ш.Шодмонов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MADANIYAT VAZIRLIGI ANDIJON VILOYAT MADANIYAT BOSHQARMASI TASARRUFIDAGI IZBOSKAN TUMANI 6-SONLI BOLALAR MUSIQA VA SAN'AT MAKTABI

OBOD YURT BUNYODKOR — O'ZB. RESP. ANDIJON VIL. IZBOSKAN TUMANI MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI

YURIDIK HAMKOR-22 — O'ZBEKISTON RESP. ANDIJON VIL. IZBOSKAN TUMANI ADVOKATLIK BYUROSI

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 207269 на приобретение Избоскан тумани 6- сон мусика мактаби иситиш тизимлари мукаммал таъмирлаш ишлари учун**

Способ проведения электронный

Дата 14.12.2022

Время рассмотрения 06.12.2022 13:47

Конкурсная комиссия 6-сонли мусика мактаби, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | QURBONOV AXRORBEK ODILJON O'G'LI | Раис | 6 сонли мусика мактаб |
| **Секретарь комиссии** | G'ULOMOVA DILOROMXON G'ANIYEVNA | котиба | 6-сонли мусика мактаб |
| **Член комиссии** | ABDULXAMITOV ABDUSHUKUR ABDUMANNOBOVICH | Аъзолар | 6 сонли мусика мактаб |
| **Член комиссии** | MAMADAIPOV MAXAMMADALI MAMATKARIMOVICH | аъзолар | 6-сонли мусика мактаби |
| **Член комиссии** | UMAROV ARABBOY NURDINOVICH | Аъзолар | 6-сонли мусика мактаб |
| **Член комиссии** | ABDUMAJIDOV SHAHRIYORBEK ABDUKAMOL O'G'LI | аъзолар | 6-мусика мактаб |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 14.12.2022 года № лота 207269.
Метод оценки предложений – Бальный метод

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по капитальному ремонту здания котельной (системы отопления помещения)** |
| Подробное описание | 6-сон мусика мактаби иситиш тизимлари мукаммал таъмири |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | усл. ед |
| Цена товара (услуги) за единицу | 367 082 673.00 |
| Стартовая сумма | 367 082 673.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Пудратчи корхона тугрисида умумий маълумот (Гувохнома,низом,ишчи ходимлартугрисида маълумотлар)

Тип: Текстовое значение

Описание: Пудратчи корхона тугрисида умумий маълумот (Гувохнома,низом,ишчи ходимлартугрисида маълумотлар)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО OBOD YURT BUNYODKOR** | 20 | хужжати бор | 20 | Экспертная | | |
| **TO'RTKO'L QURILISH ISHONCHI MCHJ** | 20 | хужжати бор | 15 | Экспертная | | |

Сканировано с CamScanner

Критерий №2 Курилиш пудрат ташкилотини ухшаш объектларни башжарганлик юзасидан маълумоти

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш пудрат ташкилотини ухшаш объектларни башжарганлик юзасидан маълумоти

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО OBOD YURT BUNYODKOR | 20 | хужжати бор | 20 | Экспертная | | |
| TO'RTKO'L QURILISH ISHONCHI MCHJ | 20 | хужжати бор | 20 | Экспертная | | |

Критерий №3 Пудратчининг ишларни муддатида бажаришда расмий холатда кафолат хати ,коррупцияга йул куймаслик тугрисида аризаси,солик дан карздорлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Пудратчининг ишларни муддатида бажаришда расмий холатда кафолат хати ,коррупцияга йул куймаслик тугрисида аризаси,солик дан карздорлиги

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО OBOD YURT BUNYODKOR | 20 | хужжати бор | 20 | Экспертная | | |
| TO'RTKO'L QURILISH ISHONCHI MCHJ | 20 | хужжати бор | 15 | Экспертная | | |

Критерий №4 Пудратчи Қурилиш категориясида Рейтинг даражаси эга ташкилот булиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Қурилиш категориясида Рейтинг даражаси эга ташкилот булиши шарт

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО OBOD YURT BUNYODKOR | 20 | хужжати бор | 15 | Экспертная | | |
| TO'RTKO'L QURILISH ISHONCHI MCHJ | 20 | хужжати бор | 20 | Экспертная | | |

Критерий №5 Пудратчи буюртмани урганганлик тугрисида маълумоти

Тип: Текстовое значение

Описание: Пудратчи буюртмани урганганлик тугрисида маълумоти

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО OBOD YURT BUNYODKOR | 20 | хужжати бор | 20 | Экспертная | | |
| TO'RTKO'L QURILISH ISHONCHI MCHJ | 20 | хужжати бор | 10 | Экспертная | | |

Сканировано с CamScanner

Финансовое значение

**Наименование товара: Услуга по капитальному ремонту здания котельной (системы отопления помещения)**

| Ценовые предложения | | | | Порядок оценки ценовых предложений | |
|---|---|---|---|---|---|
| Наименование участника | Стартовая сумма (UZS) | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов | Итоговое значение ( UZS) |
| **OOO OBOD YURT BUNYODKOR** | 367 082 673.00 | 367 000 000.00 UZS | 367 000 000.00 | 00.00 | 367 000 000.00 |
| **TO'RTKO'L QURILISH ISHONCHI MCHJ** | 367 082 673.00 | 367 082 600.00 UZS | 367 082 600.00 | 00.00 | 367 082 600.00 |

Оценка участников финансовой части составила:

Стартовая сумма составляет 367 082 673.00 UZS

| Наименование участника | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO OBOD YURT BUNYODKOR** | 367 000 000.00 UZS | 367 000 000.00 | 00.00 | 00.00 | 367 000 000.00 | 13.12.2022 18:11:03 | 20 |
| **TO'RTKO'L QURILISH ISHONCHI MCHJ** | 367 082 600.00 UZS | 367 082 600.00 | 00.00 | 00.00 | 367 082 600.00 | 13.12.2022 18:48:05 | 19.9955 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **OOO OBOD YURT BUNYODKOR** | 76 | 20 | 96 |
| **TO'RTKO'L QURILISH ISHONCHI MCHJ** | 64 | 19.9955 | 83.9955 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 207269 от 14.12.2022 года на приобретение Избоскан тумани 6- сон мусика мактаби иситиш тизимлари мукаммал таъмирлаш ишлари учун определила победителем:

OOO OBOD YURT BUNYODKOR
305443061

и резервный исполнитель: TO'RTKO'L QURILISH ISHONCHI MCHJ ( 306427468 )

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | QURBONOV AXRORBEK ODILJON O'G'LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | ABDULXAMITOV ABDUSHUKUR ABDUMANNOBOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MAMADAIPOV MAXAMMADALI MAMATKARIMOVICH | Согласен | |

Сканировано с CamScanner

# XALQ DEPUTATLARI IZBOSKAN TUMAN KENGASHI
# QARORI

2022 - yil 15 - oktabr VI-38-82-1-22-K/22 Izboskan tumani hokimligi

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг "Очиқ бюджет" ахборот портали орқали фуқаролар томонидан билдирилган таклифларга овоз бериш бўйича ғолиб деб топилган тадбирлар учун маблағ ажратиш тўғрисида**

Маҳаллий бюджет маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилиши устидан депутатлар назоратини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги "Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5072-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги "Маҳаллий бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида"ги КҚ-213-IV-сонли қарорларига асосан Ўзбекистон Республикаси Андижон вилояти халқ депутатлари Избоскан туман Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг "Очиқ бюджет" ахборот порталида фуқаролар томонидан билдирилган таклифларга жорий йилнинг 24 август кунидан 17 сентябр кунига қадар овоз бериш жараёнлари ўтказилганлиги, ушбу жараёнда 7 та таклиф ғолиб деб топилди.

**ID: 0330600048-сонли** Мануберди МФЙ худудида жойлашган 34 умумий ўрта таълим мактаби истиш тизимини мукаммал таъмирлаш тўғрисидаги таклиф жами **4468** та овоз тўплаган.

Сканировано с CamScanner

**ID: 0330600092 -сонли** Ровот МФЙда жойлашган 50 умумий ўрта таълим мактабини истиш тишимини қайта қилиш тўғрисидаги таклиф жами **4294** та овоз тўплаган.

**ID: 0330600116-сонли** Навжур МФЙ Логумбек Намуна маданият уйини Ташқи ва ички фасадларини қайта таъмирлаш, эшик ва ромларини янгилаш, пол қисмини янгилаш, кириш қисмига бардиёр қилишга сарифлаш тўғрисидаги таклиф жами **4143** та овоз тўплаган.

**ID: 0330600007-сонли** Гузар МФЙ худудида жойлашган 12-умумий ўрта таълим мактабининг пол қисми, эшик ва ромлари, спорт зали, кириш қисмлари, синф хоналарини жорий таъмирлаш тўғрисидаги таклиф жами **4135** та овоз тўплаган.

**ID: 0330600087-сонли** Қашқарлик МФЙ накшбанд кўчасига аҳолига қулайлик қилиш мақсадида пиёдалар йўлакчасига барпо этиш хамда битон тўсиқлар қилиш керак тўғрисидаги таклиф жами **4131** та овоз тўплаган.

**ID: 0330600046-сонли** Тараққиёт МФЙ худудида жойлашган 35-МТТ биносини таъмирлаш, ёзги айвонча , хожатхон, ошхона ҳамда иссиқлик тизими қилиш ишларини қилиш керак тўғрисидаги таклиф жами **4106** та овоз тўплаган.

**ID: 0330600089-сонли** Навжур МФЙ худудида жойлашган 31-МТТ ни Ташқи ва ички фасадларни, ички хоналарни таъмирлаш, боғчага ёзги айвончалар қуриш хожатхонани таъмирлаш ҳамда кўмирхона ва ўтинхона қуриш, боғчани ички йўлакларини бyручатка ёткизиш ҳамда бетон йўл қилиш, қоровулхона қилиш тўғрисидаги таклиф жами **4101** та овоз тўплаганлиги ҳамда ушбу овозлар сони бошқа таклифларга нисбатан энг кўп овозга эканлигини инобатга олган ҳолда ғолиб деб топлиганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 11 октябрда ўтказилган видео селектор йиғилишида "Ташаббусли бюджет" бўйича 2 мингдан юқори овоз тўплаган, лекин ғолиб бўла олмаган барча ташаббусларга маблағ ажратиш бўйича топшириқлар берилган.

Ушбу топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида, Избоскан туманида қўшимча 5 та 2000 дан юқори овоз тўплаган лойиҳа ташаббускорлари ғолиб

Сканировано с CamScanner

деб топилиши таъминлансин.

**ID: 0330600021-сонли** Қораёнтоқ МФЙ худудида Тўпчинор кўчасини 2 км Зарбдор кўчаси 950 метр , Заргарлик кўчалари 1 км масофага асфалтлаш ишлари тўғрисидаги таклиф жами **4026** та овоз тўплаган.

**ID: 0330600003-сонли** Туячи МФЙ худудиги Мехр нури кўчасини 2 км, Муаллимлар кўчасини 1.1 км ички кўчаларини асфалт қилиш тўғрисидаги таклиф жами **3396** та овоз тўплаган.

**ID: 0330600003-сонли** Избоскан тумани тиббиёт бирлашмасига "Артроскопический набор" (1CMOS HD камера), (Светодиодный источник холодного света) (Аквапуратор), (Шевер), (Медицинский монитор), (Стойка), (Набор инструментов) ҳамда "Рентгеновская Система C-арм 5.3kw Oscar Classic апаратлар сотиб олиш тўғрисидаги таклиф жами **3027** та овоз тўплаган.

**ID: 0330600003-сонли** Мангуберди МФЙ худудида жойлашган Янгизамон оилавий шифокор пунктини таъмирлаш тўғрисидаги таклиф жами **2997** та овоз тўплаган.

**ID: 0330600003-сонли** Избоскан тумани 6-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби иссиқиш тизимини янгилаш ва козонхона янги қуриш, Хожат хонани таъмирлаш тўғрисидаги таклиф жами **2447** та овоз тўплаган.

3. Ғолиб деб топилган таклифлар учун ишчи комиссия томонидан ажратилиши белгиланган **5920 млн. сўм** маблағни молиялаштириш бўйича иловага мувофиқ манзилли дастур тасдиқлансин.

4. Туман молия бўлими (Б.Ахмедов) ҳамда туман ғазначилик бўлинмаларига (Ф.Хақназаров) "Фуқаролар ташаббуси" жамғармаси маблағлари ҳисобидан манзилли дастурга асосан маблағларни тегишли тартибда ажратилишини ҳамда молиялаштирилишини таъминласинлар.

5. Ушбу қарорга асосан "Фукаролар ташаббуси" жамғармаси ҳисобидан ажратилган маблағларни тегишли мутасадди ташкилотлар мақсадли сарфланишини таъминласинлар.

6. Ишчи комиссияга ҳар чорак якуни бўйича Халқ депутатлари туман Кенгашига амалга оширилган ишлар бўйича ахборот бериб бориш вазифаси юклатилсин. Шунингдек, Избоскан туман ҳокимлиги матбуот хизмати, маҳаллий телевиденияларга жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган



Сканировано с CamScanner

тадбирларнинг молиялаштирилиши ҳамда амалга оширилган ишлар бўйича маълумотларни кенг жамоатчиликка мунтазам равишда етказиб бориш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарор ижросининг назорати Халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Умаров зиммаларига юклатилсин.

**Туман ҳокими** **С.Исмоилов**

Сканировано с CamScanner

Xalq deputatlari Izboskan tuman Kengashining
2022 yil 15 oktabrdagi
VI-38-82-1-22-K/22-son qaroriga
1-ilova

| № | Таклиф ID рақами | Таклиф мазмуни | Тўплаган овозлар сони | Таклифни амалга оширишнинг аниқланган қиймати | Ҳақиқатда ажратилган маблағ | Молиялаштириш манбаси | Буюртмачи ташкилот номи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Фуқаролар ташаббуси жамғармасида шаклланган жами маблағлар** | | | | | **5 920 000,0** | **x** | **x** |
| 1 | 330600048 | Мануберди МФЙ худудида жойлашган 34 умумий ўрта таълим мактаби истиш тизимини мукаммал Тамирлаш | 4 468 | 800 000,0 | 800 000,0 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман халқ таълим бўлими |
| 2 | 0330600092 | Избоскан туманида жойлашган 50 умумий ўрта таълим мактабини истиш тишимини қайта қилига сарифлаш керак | 4 294 | 900 000,0 | 900 000,0 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман халқ таълим бўлими |
| 3 | 0330600116 | Избоскан тумани худудида жойлашган Логумбек Намуна маданият уйини Ташқи ва ички фасадларни қайта таъмирлаш, эшик ва ромларни янгилаш, пол қисмини янгилаш, кириш қисмига бардиёр қилишга сарифлаш керак. | 4 143 | 700 000,0 | 700 000,0 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман маданият бўлими |
| 4 | 330600007 | Избоскан тумани 12-умумий ўрта таълим мактабининг пол кисми, эшик ва ромлари, спорт зали, кириш қисмлари, синф хоналарини жорий таъмирлаш. | 4 135 | 1 200 000,0 | 1 200 000,0 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман халқ таълим бўлими |
| 5 | 330600087 | Избоскан туман Кашкарлик МФЙ накишбан кўчасига холига кулайлик килиш максадида пиёдалар йўлакчасига барпо этиш хамда битон тўсиклар килиш керак | 4 131 | 400 000,0 | 400 000,0 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман ободонлаштириш бошқармаси |
| 6 | 330600046 | Тараққиёт МФЙ худудида жойлашган 35 МТТ биносини таъмирлаш, ёзги айвонча , хожатхон, ошхона хамда исиқоик тизми қилиш ишларини килиш керак | 4 106 | 1 200 000,0 | 1 200 000,0 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман мактабгача таълим бўлими |



Сканировано с CamScanner

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 7 | 330600089 | Избоскан туман худудида жойлашаги 31-МТТ ни Ташқи ва ички фасадларини, ички хоналарни таъмирлаш, боғчага ёзги айвончалар қуриш хожатхонани таъмирлаш ҳамда кўмирхона ва ўтинхона қуриш, боғчани ички йўлакларини бурчатка ёткизиш ҳамда бетон йўл қилиш, коровулхона қилиш лозим | 4 101 | 720 000,0 | 720 000,0 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман мактабгача таълим бўлими |
| 8 | 330600021 | Қораёнтоқ МФЙ худудида Тупчинор кўчасини 2 км Зарбдор кўчаси 950 мет , Заргарлик кўчалари 1 км масофага асфалтлаш ишлари тўғрисидаги | 4 026 | 1 150 000,0 | 1 150 000,0 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман ободонлаштириш бошкармаси |
| 9 | 330600003 | Туячи МФЙ худудиги Мехр нури кўчасини 2 км, Муаллимлар кўчасини 1.1 км ички кўчаларини асфалт қилиш тўғрисида | 3 396 | 1 200 000,0 | 1 200 000,0 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман ободонлаштириш бошкармаси |
| 10 | 0330600061 | Избоскан тумани тиббиёт бирлашмасига "Артроскопический набор" (1CMOS HD камера), (Светодиодный источник холодного света) (Аквапуратор), (Шевер), (Медицинский монитор), (Стойка), (Набор инструментов) ҳамда "Рентгеновская Система С-арм 5.3kw Oscar Classic апаратлар сотиб олиш тўғрисида | 3 027 | 1 180 000,0 | 1 180 000,0 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман Тиббиёт бўлими |



Сканировано с CamScanner

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 11 | 0330600033 | Мангуберди МФЙ худудида жойлашган Янгизамон оилавий шифокор пунктини таъмирлаш тўғрисида | 2 997 | 900 000,0 | 900 000,0 | Фукаролар ташаббуси жамғармаси | Туман Тиббиёт бўлими |
| 12 | 0330600073 | Избоскан тумани 6-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби иситиш тизимини янгилаш ва қозонхона янги қуриш, Хожат хонани таъмирлаш тўғрисида | 2 447 | 400 000,0 | 400 000,0 | Фукаролар ташаббуси жамғармаси | 6-сон мусиқа мактаби |
| Тақсимланмаган маблағ | | | | 10 750 000,0 | 10 750 000,0 | x | x |



Сканировано с CamScanner